

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2004-YIL 25-NOYABR PAYSANBA 140 (27.315) uzbovozi@sarkor.uz 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

аҳолининг айниқса, ёшларнинг тўлиқ бандлигини таъминламаган ва ишчи кучи ортиқча минтақаларда иш ўринларининг ўта танқислигига доир долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши учун изчил кураш олиб боради

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!



ЮКСАК ТЕХНОЛОГИЯ — СИФАТ МЕЗОНИ


Бухоро шаҳридаги «УзКорреямедикал» қўшма корхонаси шу йил апрель ойида иш бошлаган эди. Айни пайтда бу ерда 50 киши меҳнат қилапти. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган бир мартали тиббий шприцлар мутахассислар томонидан хорижидан аёло бўлса аёлоки, лекин кам эмас, деб баҳоланаётган. Қўшма корхонанинг ёруғ, озода, саранжом-саришта цехларини кўрсангиз, Жанубий Кореяда яратилган технологик линияларни моҳирлик билан бошқараётган маҳаллий йигит-қизлар билан суҳбатлашсангиз, ростки гап, ҳавасангиз келади.

— Очиғи, илгари шундай ажойиб корхонада, қулай шарт-шароитлари бўлган цехларда ишлашни орзу қилардик, холос, — дейди йиғувчи оператор Маҳфира Жабборова. — Орзуимиз рўёбга чиқди. Тенгдошларим қаторида корейлик мутахассислардан компьютерлашган ва ўта аниқ ишлайдиган мураккаб механизмларни бошқаришни, ишлашни ўрганиб олдик. Ҳар ойда ўрта ҳисобда 3,5 миллион дон шприц ишлаб чиқараямиз, 90-100 минг сўмдан маош олаёلمиз. Мустақиллик меваси сифатида барпо этилаётган бундай ажойиб корхоналарнинг юртимизда янаям кўпайишини истардик.

Суратларда: қўшма корхона раҳбари Гуландом Тошева (ўртада) операторлар Мохигул Орипова, Муҳаббат Назарова-лар билан; йиғувчи оператор Маҳфира Жабборова; оператор Дилдора Мардонова.

Суратларда: қўшма корхона раҳбари Гуландом Тошева (ўртада) операторлар Мохигул Орипова, Муҳаббат Назарова-лар билан; йиғувчи оператор Маҳфира Жабборова; оператор Дилдора Мардонова.

Суратларда: қўшма корхона раҳбари Гуландом Тошева (ўртада) операторлар Мохигул Орипова, Муҳаббат Назарова-лар билан; йиғувчи оператор Маҳфира Жабборова; оператор Дилдора Мардонова.



Шаҳмат АКРАМОВ олган суратлар

ПАХТАКОРЛАРГА ДИВИДЕНД

Қизилтепа тумани пахтакорлари йиллик шартнома режасини мамлакатимизда илғорлар қаторида бажаришган эди. Ҳозир улар қиш мавсумида қилинадиган ишларни бошлаб юборишган. Туманда шудгорлаш оби-тобида нихосига етказилмоқда.

— Ютуқларимизнинг боиси — ер ўз эгасини топаётганида, — дейди «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги раиси Истам Раҳимов. — Ширкатимиз аъзолари пай усулида деҳқончилик қилишнинг ҳадисини олишди. Мавжуд 610 гектар пахта майдонидан 35 центнердан ҳосил йиғиб олдик. Тўпланган ҳосил 100 фоиз биринчи навга сотилди. Миртемир Сафаров, Анзарт Халимов, Алишер Номозов каби пудратчиларимиз гектарига 50 центнердан ҳосил олишди.

Баракали хирмоннинг даромади ҳам салмоқли бўлиши табиий. Ширкат пайчилари йил ақунлари натижаларига кўра, 5 миллион 680 минг сўм дивиденд олиши кутилмоқда. **Хусанбой СОБИРОВ**

Тадбир

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯГА БАҒИШЛАНДИ

Маълумки, БМТнинг Тараққиёт дастури ва Глобал Экологик Жамғармаси «Ўзбекистонда биохилма-хилликни сақлаш модели сифатида Нурота-Кизилқум биосфера резерватининг яратилиши» лойиҳаси доирасида аҳоли ўртасида экологик таълимни ривожлантириш бўйича қатор тадбирлар ўтказиб келяпти.

Кеча Жиззах вилояти Фориш туманининг Ухум қишлоғида «Яратилётган Нурота-Кизилқум биосфера резервати ҳудудида муқобил энергия манбаларини ишлаштириш» мавзига бағишланган ўқув семинари бўлиб ўтди. Анжуманда Фориш туманидаги мактаблар ўқитувчилари, қишлоқ оксоқоллари, Нурота давлат қўриқ-хонаси ходимлари, «Ҳамдард» ва «Эремурус» нодавлат нотижорат ташкилоти вакиллари, Ангрэн шаҳрида-

ги «Муҳандис плюс» кичик корхона мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Бугунги кунда яратилаётган Нурота-Кизилқум биосфера резервати атрофида маҳаллий аҳоли томонидан дарахтлар кесилиши туфайли ўрмонлар кескин сийрақлашиб бормоқда.

Бу масалани ҳал қилиш учун жаҳон-манянинг Ухум қишлоғида «Яратилётган Нурота-Кизилқум биосфера резервати ҳудудида муқобил энергиядан фойдаланиш имконияти катта ёрдам беради. Биогаз ускуналарини қўллаш аҳоли учун қулайдир, қолаверса, табиат, экологик мувозанатни сақлаб туради.

Тадбир сўнггида ҳар бир қатнашчи семинар сертификати билан тақдирланди. **Умид УМАРҲУЖАЕВА**

мида тоғли ҳудудларда хонадонларни иситиш муаммоси пайдо бўлади. Қандай қилиб бунга эришиш мумкин, деган саволга қатнашчилар икки гуруҳга бўлиниб жавоб изладилар. Натижада иссиқликдан самарали фойдаланишнинг бир неча йўллари мавжудлиги маълум бўлди.

Яратилаётган Нурота-Кизилқум биосфера резерватининг муҳофаза қилишида ҳудуд атрофидаги маҳаллий аҳоли учун муқобил энергиядан фойдаланиш имконияти катта ёрдам беради. Биогаз ускуналарини қўллаш аҳоли учун қулайдир, қолаверса, табиат, экологик мувозанатни сақлаб туради.

Тадбир сўнггида ҳар бир қатнашчи семинар сертификати билан тақдирланди. **Умид УМАРҲУЖАЕВА**

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 ноябрь куни Россиянинг «Лукойл» нефть компанияси» очиқ акционерлик жамияти президенти Вагит Алекперовни қабул қилди

Жорий йилнинг 16 июнь куни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан «Лукойл» нефть компанияси» ОАЖ ҳамда «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси таркибидagi сармоядорлар консорциуми ўртасида маҳсулот тақсимоти тўғрисида битим имзоланган эди. Шу кунларда мазкур битим кучга кириб, Узаро ҳамкорликнинг амалий жараёни бошланди.

Битим Ўзбекистон нефть-газ тармоғига «Лукойл» томонидан бир миллиард АҚШ доллари миқдорига сармоя киритилишини кўзда тутди. Келишувга биноан, биргаликда нефть конлари разведка қилинади ва ўзлаштирилади. «Лукойл» техника воситалари таъминоти билан ҳам шуғулланади. Маълумотларга кўра, бунинг натижасида мингдан зиёд янги иш ўрни очилади.

Президент Ислам Каримов «Лукойл»нинг

қамрови кенгайтиб бораётганини, унинг фаолиятини кузатиб боришини таъкидлади. Ушбу компания Россия доирасидан ташқарида ҳам талай ишларни амалга ошириб, халқро мик-ёсда самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Бу «Лукойл» билан ишлаётган Ўзбекистон компанияларининг Узаро алоқалари истиқболга ишонч билан қараш учун асос бўлади.

В.Алекперов самимиий қабул ва билдирилган юксак ишонч учун Президент Ислам Каримовга миннатдорлик билдирди. Узаро ишонч ва манфаатдорлик ҳамкорлигини янада кенгайтириш учун муҳим омил эканлигини таъкидлади.

Мулоқот чоғида ҳамкорликда амалга ошириладиган янги лойиҳалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. **(ЎзА)**

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

НУКУС (ЎзА муҳбири А.Ортиқбоев). Таълим-тарбия тизимини замон талаби даражасида такомиллаштириш, халқро андозалар даражасига етказиш шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидандир. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида бўлиб ўтган мажлисда бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Унда олий ўқув юртлири ректорлари, касб-ҳунар коллежлари директорлари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Мамлакатимизда ўрта махсусталым тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Касб-

ҳунар коллежлари қуриш, капитал реконструкциялаш, замонавий техника ва ўқув қуроллари билан жиҳозлаш жадал давом этмоқда. Бундай билим даргоҳларида таълим сифатини яхшилаш, устоз-мурабийларнинг малакасини янада ошириш ҳам доимий эътиборда.

Аммо, ўқитиш жараёни қониқарсиз, таълим савияси, ўқитувчилар малакаси пастигича қолаётган коллежлар ҳам йўқ эмас. Бундай таълим муассасаларининг айримлари ҳамон спорт анжомлари ва етук мутахассис кадрлар билан тўла таъминланмагани боис ёшлар спорт билан мунтазам шуғул-

лана олмаёпти. Сўзга чиққанлар «Таълим тўғрисида»-ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлаш борасида Қорақалпоғистонда олиб борилаётган ишларга баҳо берди, йўл қўйилаётган хато ва камчиликлари баргаф этиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди. Бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов иштирок этди.

ҲИНДИСТОНДА ТАДБИРКОР АЁЛЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

Деҳлида тадбиркор аёлларнинг халқро анжумани бўлиб ўтди. Ушбу аънанавий форумда дунёнинг 15 давлатидан ташриф буюрган юз нафардан ортиқ тадбиркор аёл иштирок этди. Жумладан, анжуманда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг Шарбат Абдуллаева бошличилигидаги 13 нафардан иборат ўзбек тадбиркор аёллари ҳайъати ҳам қатнашди.

Ҳиндистон Республикаси тил, сайёҳлик ва таълим вазири Арвиндер Сингх анжуман очилиш маросимига сўзга чиқиб, аёллар тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантиришнинг аҳамияти ҳақида фикр юритди ва бу борадаги халқро ҳамкорлигини янги логонга кўтариш кераклигини таъкидлади.

— Биз Деҳлида хорижлик шериклар, яъни тадбиркор аёллар билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, қўшма корхоналар тузиш юзасидан музокаралар ўтказиш, зарур ҳужжатлар имзоланиш ҳам режалаштирганмиз, — дейди Шарбат Абдуллаева.

Анжуманда Урганч шаҳридаги «Азия текстайл» Ўзбекистон —


Хитой қўшма корхонаси директори Роза Собировага Ҳиндистон тадбиркор аёллар консорциумининг 2004 йилги муқофоти топширилди.

Деҳлидаги Прагати Майдан деб номланган кўргазмалар майдонида халқро савдо-кўргазмаси ҳам очилди. Унда, асосан, тадбиркор аёллар ташаббускорлигида фаолият кўрсатаётган корхоналарда ишлаб чиқарилган турли халқ истеъмол моллари намойиш қилинмоқда.

Кўргазма 27 ноябрга қадар давом этади.

Шухрат УМИРОВ, «Жаҳон» АА

ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ, ТУРМУШИМИЗ ДАРАЖАСИ, ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ БУГУН БИЗ КИМГА ОВОЗ БЕРИШИМИЗГА БОҒЛИҚ



Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасида

ДЕПУТАТ ҲИМОЯСИ: У НИМАЛАРДАН ИБОРАТ БЎЛИШИ ЛОЗИМ?

Бугунги кунда мамлакатимизда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлажак сайловларга тайёргарлик ишлари жадаллик билан олиб борилаётган. Бир вақтнинг ўзида сайланажак депутатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда фаолиятининг асосий кафолатларини белгиловчи қатор қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига қўйилган. Олий Мажлисининг XV сессиясида долзарб масалалар қаторида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»-ги Қонун лойиҳасининг 4-моддаси учунчи бандида «у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма ариза берган тақдирда», деган жумлалар бор. Депутат ёки сенаторга у ёки бу давлат идораси ёки масъул шахс томонидан тазийқ ўтказилишини олдини олиш мақсадида ушбу сўзлар-

ни қуйидаги тахрирда ифода-лаш мумкин:

«у ўз ҳоҳиши билан ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида асосланган ёзма ариза берган тақдирда»

Ушбу модданинг саккизинчи бандида: — Депутатнинг ёки сенаторнинг ваколатлари айрим ҳолларда муддатидан илгари тугатилиши мумкинлигини назарда тутиб: «суднинг қонунчи кўча кирган қарори асосида у бедаррақ йўқолган деб топилаган ёхуд вафот этган деб эълон қилинган тақдирда», дейилган.

Аммо ушбу қарор эълон қилинганидан кейин, фавуқлодда ҳолат юз бериб, депутат ёки сенатор қайтиб келиши ҳам мумкинлиги кўзда тутилмаган. Ушбу ҳолат ҳақида ҳам ўйлаб қўрилса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

3-БЕТ

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIJRA MARKAZI MULKDORGA HANMOKI

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

ALQOBANK — aniq, tez, ishonchli!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОМОНИДАН ДЕПУТАТЛИККА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРНИНГ РЎЙХАТИ

Table with 4 columns: Округ, Фамилияси, исми, отасининг исми, Туилган йили ва жойи, Эгаллаб турган лавозими. Rows 1-38.

Table with 4 columns: Округ, Фамилияси, исми, отасининг исми, Туилган йили ва жойи, Эгаллаб турган лавозими. Rows 39-78.

Table with 4 columns: Округ, Фамилияси, исми, отасининг исми, Туилган йили ва жойи, Эгаллаб турган лавозими. Rows 79-120.

Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳалари
умумхалқ муҳокамасида

(Давоми. Бош 1-бетда.)

Ушбу модданинг ўн учинчи банди қуйдагича берилган: «Алоҳида ҳолларда депутатнинг, сенаторнинг ваколатлари тегишлича Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қарори билан муддатидан илгари тугатилиши мумкин».

ДЕПУТАТ ҲИМОЯСИ:
У НИМАЛАРДАН ИБОРАТ
БЎЛИШИ ЛОЗИМ?

гича матни тақлиф қилинади: «Алоҳида ҳолларда депутатнинг, сенаторнинг ваколатлари «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши инобатга олган ҳолда ушбу банднинг қуйда-

«Депутат, сенатор давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган умумдавлат ва умумжамаият аҳамиятига эга бўлган муҳим масалалар юзасидан асосланган тўғри шунтириш бериш ёки нуктаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақлидир».

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг ваколатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши инобатга олган ҳолда ушбу банднинг қуйда-

нун лойиҳасининг 3-моддаси учинчи, саккизинчи, ўн биринчи бандларида, 4-моддаси, 7-моддаси иккинчи, тўртинчи бандларида, 8-модда биринчи бандида, 11-моддаси учинчи банди биринчи жумласига тегишлича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш керак деб ўйлаймиз.

Юқоридаги Қонун лойиҳаларидан фарқи ўлароқ, «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси алоҳида муносабат ва эътиборни талаб қилади.

Лойиҳадаги 10-модда биринчи банднинг қуйдаги матни тақлиф қилинади:

лича тушуниш, талқин қилиш мумкин. Бу эса ўз навбатида Қонун талабидан бир хил чекинган депутатга ёки сенаторга нисбатан турлича жазо қўллаш имконини беради.

Лойиҳанинг 2-моддасида ҳам сенаторни чақириб олиш тартибига аниқлик киритилди, мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки сенаторларнинг 84 нафари икки босқичда сайланса, 16 нафари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Фикридан, биринчи қисмда қайд этилган сенаторлар, сайланганлари каби, икки поғонада чақириб олинишлари, тайинланган сенаторлар эса, лойиҳанинг 8-моддасида қўзда тутилганидек, Президент томонидан чақириб олиниши мантиқан тўғри бўлади.

Шунингдек, ушбу моддада, чақириб олинган сенатор халқ депутатлари тегишли Кенгаши депутатлик мақоми ни сақлаб қоладики ёки йўқми аниқ ифода этилмаган.

Лойиҳанинг 5-модда бешинчи бандида: «Овоз бериш чоғида сайловчи депутатнинг яширин овоз бериш бюллетенидаги фамилиясини, агар депутатнинг чақириб олинишига қарши овоз бераётган бўлса, ўчирмайди ёки агар депутатнинг чақириб олинишини ёқлаб овоз бераётган бўлса, ўчиради», деб белгилаб қўйилган. Уйлаймики, бюллетенда чақириб олинаётган депутатнинг (сенаторнинг) фамилияси тўғрисида: чақириб олинишига «розиман» ва «қаршиман», сўзлари ёзиб қўйилса бу сайловчиларни қалгитмаган бўлар эди. Бу ҳолда сайловчилар ўз муносабатларини ушбу сўзлар тағига чиқиб ёки уларнинг ёнларига белги қўйиб билдиришлари мумкин бўлади.

Лойиҳанинг 6-моддасида чақириб олиш рад қилинган ҳолда депутатга (сенаторга) етказилган маънавий (ёки моддий) зарарни, чақириб олиш ташаббускорлари томонидан қопланиши йўллари ҳам қўзда тутилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Махмуд ТОИРОВ,
Ўзбекистон ХДП
Ташкент вилоят кенгаши иккинчи котиби

Конституция ва шахс
ҲУҚУҚИ БУЗИЛГАН
ФУҚАРО

Ёхуд ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун
судга қандай шикоят бериш тартиби хусусида

Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини бузилган деб ҳисобласалар Конституцияда белгиланган, қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишлари мумкин. Чунки суд фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тикловчи энг самарали восита ҳисобланади. Конституцияга асосан суд мустақил ҳолда ҳаракат қилувчи, фақат қонунга бўйсунувчи органдир.

Бош Қомусимизнинг 44-моддасида «Хар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг айриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади» деб алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Фуқароларнинг судга шикоят қилишига доир жиҳатларни ҳуқуқий тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини буздирилган хатти-ҳаракатлари ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонун муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу қонунга биноан мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, чет эл фуқаролари агарда Ўзбекистон Республикасининг халқор шартномалари ва битимларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, давлат органлари, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг айриқонуний хатти-ҳаракатлари билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа ёки уларнинг рўёбга чиқаришга монелик туғдирилса ёхуд фуқаро зиммасига қонунга хилоф равишда қандайдир мажбурият юклатилса, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Агар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ваколатлари доирасига киритилган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) ва қонун ҳужжатларида судга шикоят қилишнинг ўзгача тартиби белгиланган хатти-ҳаракатлар бўлмаса, судлар фуқаро ҳуқуқлари ёки эркинликларини буздирилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан берилган шикоятларни кўриб чиқадилар.

Махсус орган ёки мансабдор шахс шикоятни бир ой ичида кўриб чиқиши шарт. Агар фуқаро шикоятни рад қилинса ёки у шикоят берган қўндан бошлаб бир ой мобайнида жавоб олма-са, судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақи.

Шуни унутмаслик кераки, судга шикоят билан мурожаат қилишнинг белгиланган муддатлари бор. Масалан, фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилганлигидан хабар топган қўн-дан бошлаб бир ой ичида ёки фуқаро юқори турувчи орган, мансабдор шахсининг шикоятни қаноатлантириши рад этиш ҳақида-да ўтган қўндан бошлаб бир ой ичида мурожаат қилиши мумкин. Агар ушбу сабабларга кўра шикоят бериш муддати ўтказилган бўлса, бу муддат суд томонидан тикланиши мумкин.

Фуқароларнинг шикоятлари суд томонидан фуқаровий судлов ишларини юритиш қоидалари асосида кўриб чиқилади.

Шикоят натижалари бўйича суд қарор чиқаради. Суд шикоятнинг асослигини аниқлаб, шикоятга сабаб бўлган хатти-ҳаракатни ноқонуний деб топади, фуқаро талабларини қаноатлантириш мажбуриятини юқлайди ёки бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини ўзгача йўл билан тиклайди. Агар шикоятда келтирилган хатти-ҳаракат фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузганидан ҳолат деб топилса, шикоят рад этилади. Суднинг қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори судга шикоят берилади.

Суднинг қонуний қўнга кирган қарори ҳамма учун мажбурий бўлиб, уни бажариш шарт. Шунингдек, суднинг қарори хатти-ҳаракатлари устидан шикоят берилган орган ёки мансабдор шахсга, шунингдек фуқарога қарор қонуний қўнга киргач, кечиб билан ўн кун, қарор бажарилганлиги ҳақида судга ва фуқарога суд қарори олинган қўндан бошлаб кечиб билан бир ой ичида юборилади. Қарор бажарилмаган тақдирда, суд қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўн-тадбирларни кўради.

Шикоятни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган суд ҳаракатлари, суд шикоятни қаноатлантириши рад этиш ҳақида қарор чиқарган тақдирда фуқаро зиммасига ёки суд органи ёхуд мансабдор шахсининг қарорларини ноқонуний деб топган тақдирда улар зиммасига юклатилади. Шунингдек, мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари устидан судга ҳеч қандай тўсқинсиз мурожаат қилиш имконияти бу — фуқаро эркинлигининг энг муҳим шартидир. Чунки судга шикоят билан мурожаат қилиш, маъмурий ёндашувга нисбатан қатор афзалликларга эга.

Қодирберган ЯХШИМУРАТОВ,
Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти суди судьяси



ЖЕК СТРО ЯҚИН ШАРҚДА



Кеча Буюк Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро Яқин Шарқ бўйлаб икки кунлик сафарини бошлади. У Исроил ва Фаластин муқторияти раҳбарлари билан ўтказилган учрашувлар доирасида минтақада тинчлик ўрнатилишининг аниқ йўллари белгилаб олишга ҳаракат қилмоқда.

ЯНГИ ҲАРБИЙ КУЧЛАР ТАШКИЛ
ЭТИЛМОҚДА

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг мудофаа вазирилар тез чора кўрувчи ҳарбий кучлари ташкил этиш ҳақида келишиб олишди. Бу кучлар қисқа муддат ичида дунёнинг исталган нукта-сига сафарбар этилиши мумкин.

ГАРОВДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

Афғонистон ҳукумати бундан уч ҳафта олдин Қобулда гаровга олинган БМТнинг 3 нафар вакили озод этилганлиги ҳақида маълум қилди.

БМТ ходимларини гаровга олган жиноятчилар қамқоқхонадан 26 нафар одамни чиқариб юбориши талаб қилинган.

Гаровга олинганлар Афғон ва Америка хавфсизлик кучларининг қўшма ҳарбий амалиёти натижасида озод этилди.

МАҚСАД — АЛОҚАЛАРНИ
ЯХШИЛАШ

Покистон бош вазири Шавкат Азиз Хиндистонга расмий ташриф буюрди. Бош вазир бу ташриф бир йилдан бери амал қилиб келатган ишонч қоралари ҳақидаги шартноманинг муддати туга-ши муносабати билан ҳамда икки томонлама алоқаларни янада яхшилаш мақсадида амалга оширилётганини айтди.

ЁРДАН БЕРИШГА ЧАҚИРДИ

БМТ бош котиби Кофи Аннан жаҳон ҳамжамиятини Ироқда бўлиб ўтадиган сайлов жараёнини қўллаб-қувватлашга чақирди. Бош котиб бу чақириб билан Мисрда Ироқ масалаларига бағишлаган конференцияда араб мамлакатлари ва бошқа давлатларга мурожаат қилди.

ҚАРЗЛАРДАН КЕЧИБ
ЮБОРИШМОҚЧИ

Париж клуби ташкилоти аъзолари Ироқнинг ташқи қарзидан 80 фоизини кечиб юбориш ҳақида келишиб олишди.

Бу келишувга Берлинда бўлиб ўтган Париж клуби ташкилотининг навбатдаги йилги йилда имзо чекилди. Ушбу ташкилот 20 нафар ривожланган ва ривожланаётган аъзо давлатдан ташкил топган.

Интер-спорт

МИНГИНЧИ УЧРАШУВ — ҒАЛАБА


Англиянинг «Манчестер Юнайтед» ва Франциянинг «Лион» клублари чемпионлар лигаси учун курашининг 1/8 финалида мавқеларини мустаҳкамлаб олдилар. Бешинчи турда жамоалар ўзаро куч сынашдилар. Уйин инглизлар фойдасига 2:1 ҳисобида яқунланди. «Д» гуруҳида марказий учрашувлардан бирига айланган бу ўйинда инглизлар ҳар жиҳатдан устунликка эришиб олдилар. Дастлаб Гари Невил ҳисобни очиги муваффақ бўлди. Французлар ҳам бунга келмай, жавоб топши киритишди. Танаффусдан кейин инглизлар яна ҳужумга ўтишди. Ҳўштак чалинишига бир неча дақиқа қолганда Рууд ван Нистелрой ғалаба тўпини киритди. Қизғин шундаки, мазкур учрашув «Манчестер» мураббийи Алекс Фергюсон учун мингинчи ўйин бўлиб, ғалаба билан яқунланди.

МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Маълумки, Афина Олимпия ўйинларида Буюк Британия терма жамоаси аъзолари спортнинг айрим турлари бўйича муваффақиятсизликка учраган эди. Бунга ҳисобга олган мамлакат спорт вазири бешта спорт федерациясининг молиявий имкониятларини чеклашга қарор қилди. Оқибатда енгил атлетика, дзюдо, гимнастика, триатлон ва мерганлик бўйича Лондоннинг навбатдаги Олимпиада ўйинларида тайёргарлик режалари энён етди. Хусусан, илгари спорт гимнастикаси федерациясига тайёргарлик учун 928 минг фунт стерлинг ажратилган бўлса, ҳозир бу маблағ бор-йўғи 48 мингга тушиб қолган.

ЧЕМПИОН ҲАҚИДА ФИЛЬМ

«Чемпион йўли бўйлаб». Бокс бўйича мутлақ жаҳон чемпиони Костя Цзю билан унинг шоғирди Антон Солопов ҳақидаги ҳужжатли фильм шундай номланади. Цзю ҳозир Антоннинг менежери ҳисобланади. Фильмнинг монтаж ишлари яқунланган. Суратга эса Сидней ҳудудида Қостяннинг Шарм Митчелл билан учрашувга ҳозирлик қўрган жойлар олинган. Шунингдек, Россиянинг Екатеринбург, Покача, Тюмен, Югорск шаҳарларида ҳам суратга олиш ишлари амалга оширилди. Томошабин бу фильм орқали муқодир боксининг туғилиб ўсган макони, унинг шоғирди оғирлиги йўлидаги изланишлари ҳақида ва бошқа қўнғина маълумотларга эга бўлади.



СЕРЖАНТЛАР —
АРМИЯМИЗ ТАЯНЧИ

си, чегарадан ўтувчиларга мўлжалланган назорат-ўтиш жойи, қоровул наряди учун дам олиш вагончаси, давлат чегараларини қўриқлашга буйруқ олинмаган жой, қўролни ўқлаш учун мослама, хуллас, бари-бари табиийликни акс эттириб турибди.


Жорий йилнинг июль ойида компьютерлаштирилган ўқ отиш тренажери ишга тушди. Компьютер илмидан олинган сабоқлар бу ерда қўл келаяпти. Хўш, мазкур тренажёрларнинг афзаллик томонлари ни-

Ватан ҳимояси — олий шараф

Хорижда хизмат сафарига бўлганимда ривожланган мамлакатлардан бирининг сержанти билан танишиб қолдим. Куролли Кучлар сафида ўн йилдан зиёдрок вақтдан бери хизмат қилаётган экан. Сўхбатлашганимда аён бўлдики, у ўз соҳасини мукаммал биллади. Яъни ҳақиқий профессионал. Аммо бир нарсани ажаблантирди. Мамлакат ҳақида, унинг тарихи, маданияти ҳақида ҳатто мен билган нарсаларни ҳам билмас экан. Демак, ўз қобилига ўралгану бошқаси билан иши йўқ. Балки унга шундай таълим-тарбия берилгандир. Қўмондонларини эҳтимол унинг ихтисослашувидан бўлак нарсани қизиктирмас.

СЕРЖАНТЛАР —
АРМИЯМИЗ ТАЯНЧИ

ришларни қўздан кечирар эканман, ҳаёлимдан ана шу фикрлар ўтди.



лоятларига қилган сафарига Қаршидаги сержантлар тайёрлаш мактабига ташриф буюрди. Мазкур ўқув мактабидан бўлгуси сержантларнинг замон талаблари асосида қандай таълим олаётгани, уларга яратилаётган шарт-шароитлар билан қизиқди. Мутаассадиларга тегишли йўл-йўриқ, қўрсатмалар берди. Сержантлар аскарларнинг

устози бўлиши керак, деди Юртбошимиз. Ана шу ташриф, сержантлар тайёрлаш масаласига берилганда катта эътибордан келиб чиқиб, Марказий ҳарбий округдаги мактаб хусусида сўз юритмоқчимиз.

Самарқанддаги бу ҳарбий ўқув мактаби чегара қўшинлари учун ҳам кичик командирлар тайёрлаб беради. Албатта, бу йўналишда моддий-ўқув база ёмон эмас. Аммо

мада? Аввало, бу замонавий тренажёрда машқ бажарилганда ўқ-дори тежалари. Қолаверса, жанговар қуролдан нишонга ўқ отиш учун полигонга чиқишга доим ҳам имкон топилавермайди-да. Ана энди масаланги махсус мослама ўрнатилди. Ниҳоят нишонга қарата ўқ очилади. Йўриқчи компьютер орқали жараёни аниқ кузатиб туради. Бу маъсуляти вазифа шартнома бўйича хизмат қилаётган кичик сержант Аскар Хўшназаров зиммасида. Айнан мазкур тайёргарлик бўйича профессионал бу посбон Тошкентда таҳсил олган. Компьютер хатто нишонга қарата отган ҳарбийнинг ўқ узишдан олдинги ва кейинги қўл силкинишларигагача аниқ чиизиб кўрсатади. Мўлжалга нега аниқ тегмаганининг сабабини компьютер монитори орқали курсант билди олади. Тренажёрда машқ қилиб тоблан-

ганлар ҳарбий полигонда аниқ эркин, ишончли ҳаракат қила олади.

Шундан сўнг замонавий спорт жиҳозлари билан жиҳозланган тренажёр залига бордик. Пойтахтда ана шундай жиҳозланган пуллик маркази кўрганамиз. Мана, бугун замонавий жиҳозлар бўлгуси сержантлар ихтиёрида. Шуғулланиш вақти жадвал бўйича тақсимлаб қўйилган.

— Бу спорт жиҳозлари бўлгуси кичик командирларни жисмонан чинқитиришга хизмат қилади, — дейди кичик сержант Воҳидов. — Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ҳарбий бунёдкорларимиз замон талабларига жавоб берадиган, усти ёпиқ спорт залини шу ой охиригача фойдаланишга топширишни ваъда қилмоқда.

Президентимиз Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида «Олдимиздан турган муҳим вазифалардан яна бири — ҳарбийларимизнинг хизмат ва яшаш шароитларини янада яхшилаш,

ЮГУРИШ:

БАРДАМЛИК, ТЕТИКЛИК, САЛОМАТЛИК

КЕЧА НУКУС ШАХРИДА УМУММАМЛАКАТ ОММАВИЙ МАРАФОНИ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Президентимиз ташаббуси билан юртимизда илк мартаба умуммамлакат оммавий марафони ўтказилмоқда. Бу тадбирдан кўзланган мақсад — ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб ўсишига кўмаклашиш, республикамизда самарали фаолият кўрсатаётган ўш босқичли тизим — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақалари дастуридан ўрин олган энгил атлетика спорт турини янада оммавийлаштиришдан иборатдир. Энг муҳими, унда «Биз ҳеч қимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз» шiori мамлакат миқёсида спортнинг югуриш тури орқали янада кенг тарғиб қилинади. Умуммамлакат оммавий марафони республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, барча вилоятлар ҳокимликлари, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари «Камолот» ёшлар ихтиссий ҳаракати Марказий Кенгаши, «Узтелерадио» компанияси, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ва Ўзбекистон Оқоқоллар кенгаши ҳамда «Маҳаллар» жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилмоқда.



Оммавий марафонда тиббий кўриқдан ўтган, жисмоний жиҳатдан соғлом, еттидан етмиш ёшга бўлган юртдошларимиз иштирок этишмоқда, — дейди маданият ва спорт ишлари вазирлиги ўринбосари Махмуд Ахмедов. — Дастлабки босқич туман ва шаҳар, иккинчи босқич эса вилоят миқёсида ўтказилади. Оммавий югуриш мусобақаларида ҳар бир терма жамоада ўн икки киши қатнашапти. Жамоалар таркибининг бундай сараланиши бежиз эмас, албатта. Барчага маълумки, яна санокли кунлардан сўнг Ўзбекистон Конституциясининг ўн икки йиллиги нишонланади. Мазкур тадбир ана шу кўтуғу санага бағишланмоқда. Ушбу

марафон келажақда аънавий бўлиб қолади. Бундан ташқари, шундай оммавий югуриш мусобақаларини Наврўз, Мустақиллик байрамлари арафасида ҳам ўтказиш режалаштирилган. Оммавий марафоннинг республика босқичи уч йўналишда ўтказилади. Биринчи йўналиш: 24 ноябрь — 4 декабрь кунлари. Нукус — Урганч — Бухоро — Тошкент; иккинчи йўналиш: 27 ноябрь — 4 декабрь. Термиз — Қарши — Самарқанд — Тошкент; учинчи йўналиш: 1 декабрь — 4 декабрь. Наманган — Андижон — Фарғона — Ангрэн — Тошкент йўллари бўйлаб ўтказилади. Марафончилар ўтадиган йўналиш бўйича жойларда спортсевар ёшлар — мактаб ўқувчилари, талабалар ўз туман, шаҳар, вилоятлари чегарасигача қўшилиб югурадилар. — Бундай йирик тадбирни

Тошкент шаҳри, барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоалари иштирокида 12 километр масофада оммавий марафон уюштирилади. Ғолиблар ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совға ва фахрий ёрликлар билан тақдирланадилар.

Инсон саломатлиги ҳар нарсадан азис. Уни асраб-авайлашда эса спортнинг, айниқса, югуришнинг аҳамияти беқиёс. Мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан бошланган бу хайрли тадбир эса энг аввало ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилади. Буни ҳамюртларимиз фикри ҳам исботлаб турибди.

Нигора ШЕРМУХАМЕДОВА, пойтахтимизнинг Хамза туманидаги 18-оилавий поликлиника бош шифокори:

Мутахассислигим асли педиатр. Тиббиёт соҳасида ишлаётганимга ўттиз беш йилдан ошди. Инсон саломатлигини асраш, иш унумдорлигини оширишда бадантарбия ва югуришнинг аҳамияти нечоғли катта эканлигини яхши биламан. Шу боис, ҳар кун тонгда югуришни қанда қилмайман. Уйим ақинидаги Бобур истироҳат боғи спорт майдончасига югуришга чиқаман. Афсуски, мен каби юрадиганлар сони бармоқ билан санарли. Доймо шундан ташвишланардим. «Опа, сизни ҳеч қим фалон ёшга кирган, деб ўйламайди», дегувчиларга доимо, эрталаб югурсангиз, бадантарбия қилсангиз, бунинг сирини билиб оласиз, деб жавоб бераман. Президентимизнинг умуммамлакат оммавий марафонини ўтказиш ҳақидаги ташаббусини эшитиб, очини, жуда хурсанд бўлдим. Бу ташаббусни оддий қилиб, саломатлигимизни рекламаси, деб бемалоп айтиш мумкин. Тўғри, барча марафонда қатнаша олмас, лекин югуришнинг кони фойда

эканлигини англаб етган киши ҳеч бўлмаса, ҳар кун наҳорда ўз соғлиги учун 20-30 дақиқа вақт ажратишга одатланади. Бу эса ўсиб келаётган ёш авлод оғинда спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолга интилиш фазилатларини шакллантиради.

Тўлқин ХАЙДАРОВ, Акмал Икромов туманидаги 193-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси:

Умуммамлакат оммавий марафонининг бошланиши фақат спортсеварлар сони кўпайишига хизмат қилади, деб ўйлайман. Бу тадбирнинг республика миқёсида ўтаётганлиги айниқса, катта аҳамиятга эга. Марафонда қатнашиш у ёқда турсин, уни қўзғатган, томоша қилган кўп йигит-қизлар қалбида албатта югуришга қизиқиш, меҳр уйғонишига ишонаман. Мамлакатимиз кишлоқ ва шаҳарларида спортнинг энгил атлетика тури ривожланишига пойдевор яратилди.

Мажид АБДУЛЛАЕВ, Собир Раҳимов туманидаги «Қорасарой» маҳалласи оқсоқоли:

Киши шомолласа, дардан фориг бўлиш учун қанча пул сарфлайди? Агар одам ҳар кун бадантарбия қилса, югуриб турса, касал бўлмайди ва ортиқча чичимдан қутулади. Базан ота-оналар фарзандлари ичкиликка, кашандликка берилиб кетаётганлигини даволат қилишди. Агар мамлакатимизда оммавий марафон баҳонасида спортнинг югуриш тури оммалашса борми? Қанчадан-қанча одамларга куч-қувват, бардамлик ато этади. Қолаверса, югуриш билан шуғулланиш айрим спорт турлари сингари катта маблаг, ҳашаматли саройлар ҳам талаб этмайди. Фақат озгина вақт ажратилса кифоя.

Эркин ХОЛБЕКОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

НАВГАҲОНДА ЯНГИ МАКТАБ

Пешку туманидаги Навгаҳон кишлоғида икки қаватли замонавий мактаб биноси қуриб битказилди. Мазкур билим даргоҳини «20-трест» ҳиссдорлик жамиятининг 9-механизациялашган кўча жамланмаси бунёдкорлари тез ва соз барпо этишди.

— 140 миллион сўмлик қуриш-монтаж ишлари амалга оширилди, — дейди бош муҳандис Темир Икромов.

— Илгари 38-мактаб биносида машғулотлар пасткам синфхоналарда, икки сменада олиб бориларди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Матёқуб Ҳожиёв. — Янги бино хоналари кенг ва ёруғ. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча қўлайликлар муҳайё этилган.

Дарҳақиқат, янги мактабда иссиқхона, ошхона, спорт зали, мажлислар хонаси, катта ўйингоҳ мавжуд бўлиб, буларнинг барчаси зарур жиҳозлар билан таъминланган. Эндиликда бу ерда 480 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ОРИЯТ

Воқеий ҳикоя

Ҳаш-паш дегунча Розия холанинг қирқи ўтди. Кўнгил сўроқчиларнинг ҳам кети узилди. Хайҳотдек ҳовли чолни ютиб юборай дейди. Аксига олиб хамиша айвондаги кўрпача устида хурлилаб ётадиган Бароқвой ғойиб бўлган, кечалари ечиб қўйилдиган олапар ҳам мана уч кундирки қорасини кўрсатмайди. Ҳали кимдир итни мазорда кампирнинг гўри устида ётганини айтиб шекитли. Аста-фурқилло! Ё, тавба! Наҳот, Аллоҳ томонидан мукамал яратилган инсон меҳру садоқатда ана шу махлуқчалик бўлмасамиз!

Чол ёнбошди. Дўпписини олиб тиззасига қўйганча халғга чўмди...

...У саксон йилдан бери ёруғ дунёни чагнатиб юрибди. Умр — оқар сув, оқадикетади дейишди. Шу тобда Мирзафар чол бу гапга қўшилди. Унга ўз ҳаёти машаққату ғурбатларга тўла олис, жуда олис сафардек туялар ва бу сафар уни чарчатиб қўйганди. Йўловчи узоқдаги шўзлабга қараб юраркан, йўл азобларини унутди. Ширин орзу-умидлар қанотиде ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиб нузли манзилга интилаваради. Ҳаётда ҳам шундай. Одам бир олам орзулар оғушида яшайди. Орзусиз ҳаёт йўқ. Умидсиз одам зим-зиё тунда номаълум томонга қараб кетатган йўловчига ўхшайди. Унинг ҳам орзулари саробга айланганди...

Саксон йиллик сафарнинг бошланиши қаёқларда қолиб кетди. У болаликдаги ўз қиёфасини кўз ўнгига яқинроқ келтирди. Тавба! Юзи йўқ эди!!!

Онасининг чеҳрасидаги ҳар бир чизигу ажинлар аниқ кўринади, аммо болакайнинг юзи ок парда билан қопланган. У ўзини танимади. Ийгилик давридаги отларнинг кишини, балогатга етган қизларнинг сархуш қилувчи ислари ҳам ёдига келмади. Ҳатто қорнидаги чандиқ ҳам неғиз найзасининг асорати эканлигини эслай олмади. Буларнинг ҳаммаси жуда олисда, қанча-қанча қиру адирлар, тоғу тошлар, дарё ва денгизлар, ўрқач-ўрқач бутлар ортида қолиб кетганди.

У ҳозир умрининг энг сўнги палласи, аламла ва изтироби онларини ҳаёлидан ўтказмоқда эди.

Тунов кунимдир «Инсон учун энг катта қайғу бу — ота-онадан ажраш» деганди. Ҳамма маъқуллади. Бирок, Мирзафар чол индамади. Чунки ўз фалсафаси бор. Яъни, инсон учун энг катта фожиа фарзанд доғи деб ҳисоблайди. У Тирноққа зорлик нималигини бу корчалонлар қайдан билсин. «Эй, биродарлар! Дунёда бефарзандликдан ортқироқ заҳмат йўқ. Фарзандсиз одам — мевасиз дарахтдай гап» дегиси келди, лекин айтолмайди. Айтса, биронтаси «Сен фарзандсиз экансан, бизда не айб?» деб юбориши мумкин. Мана шу сўзлар Мирзафар чолга душманнинг найзасидан ҳам оғирроқ жароҳат етказди. Шу боисдан ҳам у кейинги йигирма, йигирма беш йил мобайнида одамларга аралашмай қўйди.

Маҳаллада қарнай-сурнай овози эшитилганда, болалар қий-чўлаб, кўчани тўлдириб ўтишганда сиртида жилмай-

иб, дилда инграб туриш қандай даҳшатли синаот эканлигини улар билишарми? Йўқса, ўзига тўқ, мол-ҳоли етарли. Сара мевали боғидан чиқадиган даромаднинг ўзи бир маҳаллани боқади. Аммо шунча мол-дунёни бошига урадимми? Чолу кампирга кўп нарса керакми? Болачақанг бўлсаки, очиб-сочиб, талашиб-тортишиб еса... Кейинги пайтда улар мевачевани бозорга чиқармай қўйишди. Мирзафар бува Чирчиқдаги болалар уйига жўнатади ҳаммасини. Аммо, бу ишларни кишлоқ ахлига билдирмайди.

... Бир гап айтсам уришмайсизми? — ўсмоқчилаб сўради Розия хола.

— Гапир! — деди чол саробдек қуюқ қошларини чимириб.

— Шу... шу, халиги, худо раҳматли холавачам Низомбойдан бир ўғил қолган. Интернатда дейишди. Йўқ демасангиз, ўшани оқсаскими? Ҳарна дастёр бўлармиди...

* Чол жим. Пиёлини аста чайқатиб, ҳар замонда бир хўллаб қўяди.

Кампирнинг юраги такапука... Бу тажанга бирон гап уқтириш ўлимдан этиб. Сукнат тахликали чўзилмоқда эди. Розия хола дош беролмади. Чой дамлаш баҳонасида секингина ошхонага сирғалиб чиқди ва то чол улагуна ўша ёқда юрди.

Саволнинг жавоби эрталабки нонушадан сўнг олинди.

— Дастёр дейсан, нима, бу ер Маҳаматқаримбойнинг даргоҳимидики, дастёр тутсақ. Ҳарна иш бўлса ўзимиздан қолмайди. Лекин, ҳа, юрса юраверсин, зарари теғмас.

Болани боқиб олишди. Бирок у мактабини битирди, ғойиб бўлди. Шаҳарда ўқиб, ўша ёқда қолиб кетди...

Шунданми ёки бошқа сабаб бўлдики, сўнги йилларда чолнинг қаҳри кучайиб борди. Яқинлари унга қайта уйланишни маслаҳат беришди. Кампирни ҳам кўнди. Бирок қайсар чол рози бўлмади. У бошқа аёлни халғига келтирмасамиз, кампирга зуғум ўтказишни қўймасди.

Туя келбатли ашагини миниб, кампирни орқасида эргаштирганча тоққа пичан ўришга жўнар, қайтмишда эшакка қанча пичан ортса, кампирга ҳам шунча кўтартириб келарди. Жуссаси читтақдек бўлса-ям Розия хола уйига олдин етиб келар, қанчалик қийналмасин, ҳеч зорланмас, чолга сабру бардош билан хизмат қиларди. Ким билади дейсиз, кампир бечора зурриётсизликда балки ўзини айбдор ҳисоблагандир. Ҳар хола, Розия хола учун чолнинг қилиқлари ургани ун оши, сўкчани сўк оши эди.

Ҳаёллар тўқини чолнинг кўз олдига кампирини келтириб қўйди. «Вой, ўлмасам, яқтагинизга доғ тегибдику, алмаштириб олинг. Одамлар меннинг устимдан қулишди. Розиянинг қўли синганми, дейишди».

Чол ҳаёл сураятими, туш кўраятими, аниқ билмасди. Ярим тунда уйғониб кетди. Юраги ёниб, томоғи қақраб ётганди.

Яна чой ичмоқчи бўлиб қилини чойнакка узатиб чўчиб тушди. Чойнак иссиқ туюлди. Шўшиб ўрнидан қозғолди: — Розия, ҳой Розия!!!

Абдуқорим РАҲИМБЕРДИЕВ

ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛДА ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Пойтахтимизнинг «Интерконтинентал» мехмонхонасида TNT Productions, Inc. (АҚШ) компанияси томонидан уюштирилган «Халқаро кўргазма давом этмоқда. Унда Қозғистон, Россия, Ҳиндистон, Сингапур, Польша, Тайвань, Чехия ва Туркия сингари давлатлар қатори Ўзбекистондан ҳам (12 та) — жами 47 компания фаол иштирок этаётти.

Кўргазманинг асосий йўналишларидан бири — истеъмол товарлари, озиқ-овқат махсулотлари, алкоғолли ва алкоғолсиз ичимликлар тайёрлаш ҳамда уларни қайта

ишлаш йўлида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланишидир.

Мақсад — истеъмол буюмлари ва озиқ-овқат махсулотлари тайёрлашда мамлакатлараро илғор тажрибалар алмашиш, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш ва бозорларни янги товарлар билан бойитишдан иборат. Кўргазма республика кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқмашхўлдин» ва «Ўзмевасабзавотузумса-ноат» холдинг компаниялари ташкилотчилигида ўтмоқда.

Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ

НОГИРОНЛАР КУНИГА БАФИШЛАНДИ

Каттакўрғон шаҳрида «Савоб ишри ҳар ким ва ҳар кун қилиши керак» шiori остида хайрли тадбир ўтказилди. «2004 йил — Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан халқаро ногиронлар кунига бағишланган хайрия марофони кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Марафон тадбирини шаҳар ҳокими Д.Маматқўлов очди. «Мақсад, қорхона, ташкилот ва муассасалар, яқна тартибдаги тадбиркорларнинг ўз жамғармалари ҳисобидан ажратган улушларини ногирон, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ёрдам сифатида беришидир», — деб таъкидлади у.

Тадбир катта хайрия концерти билан якунланди. Эрактош ШУКУРОВА

Сообщение о существенных фактах ОАО «Toshkentdonmahsulot»

Порядковый номер сообщения — 05

Вид ценных бумаг — акции
Тип ценных бумаг — простая, привелигированная
Дата принятия решения о начислении дивидендов — 23 ноября 2004 г.

Орган эмитента, принявший решение — Наблюдательный Совет общества

Размер дивиденда — за III-й квартал 2004 г. на одну акцию составил 2060 сум

Общее количество акций — 124367 штук, из них простых 122830 штук, привелигированных 1537 штук

Форма выплаты начисленных дивидендов — денежные средства

Порядковый номер сообщения — 07

Список лиц, имеющих право на получение дивидендов составлен на основании реестра акционеров, закрытого на 1 октября 2004 года

Порядковый номер сообщения — 08

Обязательства эмитента перед владельцами ценных бумаг — выплата дивидендов за III-й квартал 2004 года по простым и привелигированным акциям.

Срок исполнения обязательств эмитента перед владельцами ценных бумаг — с 23 декабря 2004 года до 23 февраля 2005 года.

Ҳикоятли сўзлар маъноси

СУТ БИЛАН КИРГАН — ЖОН БИЛАН ЧИҚАР

«Қон билан кирган — жон билан чиқади»; «Қоринда пайдо бўлган қилиқ, қора ерда қолади»; «Йўрғакда теккан касал ўлганда ҳам кетмайди»; «Сут билан кирган миждоз — сўяк билан бирга кетар» (миждоз — кишининг ўзига хос табиати, хулқ-атвори; киши организмнинг ўзига хос тала-

би — масалан, иссиқ миждоз организмга «иссиқлик» ёқади; совуқ — организмга, «совуқлик» ёқади); «Сут билан кирган яхши қилиқ — ўлгунча ҳам айнамас»; «Она сут билан кирмаса, тана сутти билан кирмас» (тана — бир-икки ёшли урғочи бузоқ, Мақолда «сигир» маъносиде келтирилган).

Инсоний иллат эгаларининг характери асрлар давомида синанган халқ: «Улар тузалмайдилар, уларни тузатиб ҳам бўлмайди», деган хулосага келиб, мазкур мақолларни тўқиган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан «Ўзбек Электромаш» ишлаб чиқариш бирлашмасига берилган, 1994 йил 7 декабрда №475 рақам билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик бирлашмалари Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Мулоқот» журнали жамоаси «Кишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири Утқир Раҳматга волидаи муҳтарамаси **Пўлат ва АҲАДОВА**нинг вафоти муносабати билан чўкур тазия изҳор этади.

Table with multiple sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY ATI: Abdulla OROPOV, Asliddin RUSTAMOV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Norbobo SHAKAROV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI; BO' LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot; Ma'naviyat va ma'rif; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot; VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda; MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY; Navhatchi: Behzod SHUKUROV; Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV; 7259 nusxada bosildi; O'zA yakuni — 21.00; Topshirish vaqti — 21.45; 1 2 3 4 5; Sofuvda erkin narxda